Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

2012 йил Мустаҳкам оила йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2012-YIL 16-AVGUST, PAYSHANBA, 96 (8021) - SON

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

## ЛОНДОН ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН XXX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИЛАРИМИЗДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

***Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин ва иловага мувофиқ рағбатлантирилсин:***

**«ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ»**

**Собиров Ришод Рашидович** — дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Тигиев Сослан Вазноевич** — эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ»**

**Атоев Аббос Абдураззокович** — бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

***Юртимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш ишига қўшган улкан ҳиссаси, Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришгани учун мукофотлансин ва иловага мувофиқ рағбатлантирилсин:***

**«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Таймазов Артур Борисович** — эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри, 2012 йил 14 август*



## МУЗАФФАР ОЛИМПИАДАЧИЛАР ТАНТАНАЛИ КУТИБ ОЛИНДИ

**Мамлакатимизда истиқлол байрами шукуҳи кезиб юрган шу қутлуғ кунларда XXX ёзги Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этган спортчиларимиз халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами – Ватанимиз Давлат мустақиллигининг 21 йиллигига муносиб туҳфа ҳозирлади. 15 август куни Тошкент аэропортида ушбу нуфузли мусобақа ғолиблари, совриндорлари ва иштирокчиларини кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**

Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари, жамоатчилик вакиллари, спортчилар, олимпиадачиларнинг ота-оналари ва яқинлари, журналистлар жам бўлди.

...Ниҳоят, орзиқиб кутилган лаҳзалар етиб келди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Лондондан кўтарилган авиалайнери Тошкентга қўнгани эълон қилинди. Карнай-сурнай садолари янграйди. Давлатимиз байроғини кўтарган олимпиадачиларимиз она Ватан заминига қадам қўяди. Лобар қизлар уларга гуллар тақдим этади.

Олимпиадачиларни тантанали кутиб олиш маросимини Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Бундай ҳаяжонли дамларда халқимизга улкан қувонч, фахру ифтихор бахш этган ушбу воқеанинг аҳамияти, мазмун-моҳияти ва асл омиллари кўнгилдан ўтиши табиий. Зеро, бу каби улкан ютуқларга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар спортчиларимизни юксак зафарлари билан қутлар экан, бу муваффақиятлар Президентимиз раҳнамолигида спорт ривожига қаратилаётган юксак эътибор самараси эканини алоҳида таъкидлади.

– Эркин ва обод Ватанимизнинг спортчиси сифатида Лондон Олимпиадасида «Ўзбекистон» номи, давлатимиз мадҳияси баралла янграшига, мустақил мамлакатимиз байроғи Олимп чўққисида ҳилпирашига ўз ҳиссамни қўшганимдан бахтиёрман, – деди эркин кураш бўйича уч карра Олимпиада чемпиони Артур Таймазов. – Биз, спортчилар эришган муваффақиятлар – бутун халқимизнинг ютуғи. Мамлакатимизда инсонни эъзозлаш, меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш доимий эътиборда. Биз, спортчилар камтарона меҳнатимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани учун Президентимиз ва халқимиздан миннатдормиз.

(Давоми 2-саҳифада)

## САҲИФАЛАРДА:



ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ 3-4

БОЛДАН БОЛНИНГ ФАРҚИ БОР



5



СУВ УСТИДАГИ УЙ 8

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 август куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг учинчи даврасида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Америка давлат ташкилотлари ва хусусий компаниялари вакилларидан иборат нуфузли делегация раҳбари АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейкни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон-АҚШ мулоқоти изчил ривожланиб, мазмунан бойиб бораётганини, ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантиришга томонларнинг интилишлари муштарак эканини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда икки томонлама муносабатларнинг муҳим соҳаларидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Хусусан, ташқи сиёсат маҳкамаларининг мунтазам мулоқотлари, парламентлараро муносабатлар, давлатлараро даражадаги ҳар томонлама ҳамкорлик ҳамда икки мамлакат фуқаролик жамияти вакиллари ўртасидаги алоқалар ҳақида сўз борди. Томонлар Афғонистон ва Марказий Осиёдаги вазиятнинг ривожланиши, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари, шунингдек, мамлакатларимиз манфаатларига дахлдор бошқа муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига алоҳида эътибор қаратилди. Американинг "General Motors", "Boeing", "Lockheed Martin" ва бошқа кўплаб етакчи компаниялари иштирокида ушбу соҳада ҳамкорлик бўйича яхши тажриба тўплангани таъкидланди. Ўзбекистонда америкалик инвесторлар иштирокида ташкил этилган 241 корхона рўйхатга олинган, мамлакатимизга киритилган тўғридан-тўғри АҚШ сармояси ҳажми эса 2 миллиард доллардан ошди.

Роберт Блейк Америка Қўшма Штатлари раҳбарияти мамлакатимизнинг минтақада хавфсизлик ва изчил ривожланишни таъминлашдаги, Афғонистонни тинч йўл билан тиклашдаги ролини юксак баҳолашини, шунингдек, АҚШ Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни янги амалий мазмун билан бойитишдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари биринчи марта ҳар икки томондан вазирлик ва идоралар, етакчи иқтисодий тузилмалардан иборат кенг таркибдаги делегациялар иштирок этадиган Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг учинчи давраси доирасидаги музокараларга муваффақият тилади.

**ЎзА**

# МУЗАФФАР ОЛИМПИАДАЧИЛАР ТАНТАНАЛИ КУТИБ ОЛИНДИ







**(Боши 1-саҳифада)**

– Пекин Олимпиадасида совриндор бўлганимда йигирма бир ёшда эдим, – деди Пекин ва Лондон Олимпиадалари бронза медаллари совриндори Ришод Собиров. – Ўшанда Президентимиз Ислом Каримов бизни қутлар экан, Сизлар қўлга киритган натижалар бутун халқимизнинг, авваламбор, сизларга жону дили билан омад ва муваффақият тилаб турган ёшларимизнинг ғалабаси, деб таъкидлаган эдилар. Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари мени дзюдо бўйича кўплаб нуфузли турнирларда ва жаҳон чемпионатларида ғалаба қозонишимга ундаб келмоқда. XXX ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари ичида биринчи бўлиб баҳсларга киришдим. Бу мен учун катта масъулият эди. Чунки жамоамиз аъзоларини руҳлантириш, бизга ишонч билдириб, мусобақаларни катта ҳаяжон билан кузатиб турган халқимиз ишончини оқлашим шарт эди. Бу вазифани уддалай олганимдан, Лондон Олимпиадасида ҳам шоҳсупага кўтарилганимдан хурсандман. Эндиги мақсадим навбатдаги Олимпиадада олтин медални қўлга киритишдир.

Ўзбекистон спортчиларининг Лондон Олимпиадасидаги иштироки ва эришган муваффақиятлари Президентимиз Ислом Каримов томонидан мазкур соҳа ривожига қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик самарасидир. Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан ҳар томонлама баркамол, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланди. Бунинг муҳим омили сифатида жисмоний тарбия ва спорт умуммиллий ҳаракатга айланди.

Бугун ёшларимиз энг нуфузли халқаро мусобақаларда, олимпиада ва жаҳон чемпионатларида ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда исботламоқда. Спортчиларимиз ёзги Олимпия ўйинларидан ҳеч қачон медалсиз қайтмаган. 1996 йилдан буён Олимпиадаларда иштирок этаётган олимпиячиларимиз Атланта, Сидней, Афина, Пекин ва Лондондаги ўйинларда бешта олтин, бешта кумуш ва ўн битта бронза медалга сазовор бўлган.

Жаҳондаги кучли спортчилар орасида совринли ўринларни қўлга киритиш, она Ватан шон-шавкатини дунёга ёйиш спортчидан машаққатли меҳнат, чидам-бардош, шижоат ва матонат талаб қилади. Қолаверса, бунинг учун зарур шарт-шароит, моддий ва маънавий кўмак, эътибор керак.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 5 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида"ги қарорига биноан спортчиларимиз жаҳон стандартларига мос янги спорт анжомлари билан таъминланди. Замонавий меъёрлар асосида ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинларини ўтади, халқаро мусобақаларда тажриба ва маҳоратини оширди.

Бундай юксак эътибор ўз самараларини берди. 53 нафар олимпиячимиз мураккаб саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтиб, Лондон Олимпиадасида спортнинг ўн беш тури – бадиий гимнастика, трамполин, велоспорт, сузиш, енгил атлетика, оғир атлетика, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, бокс, дзюдо, таэквондо, эркин ва юнон-рум кураши, ўқ отиш, қиличбозлик ҳамда теннис бўйича беллашувларда иштирок этди.

Спортчиларимизнинг Олимпия ўйинларидаги ҳар бир чиқишини нафақат уларнинг ота-оналари, яқинлари, мураббийлари, балки Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган ҳар бир юртдошимиз жуда катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб борди.

Лондон Олимпия ўйинларида дунёнинг 204 мамлакатидан спортчилар иштирок этган бўлса, фақат 54 давлатнинг спортчилари олтин медални қўлга киритди. Улар орасида жонажон Ўзбекистонимиз спортчилари ҳам борлиги барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

XXX ёзги Олимпия ўйинларида дунёга донғи кетган ўзбек спортчилари – дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони ва Осиё ўйинлари ғолиби Ришод Собиров, бокс бўйича икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев ва эркин кураш бўйича Пекин Олимпиадаси кумуш медали совриндори Сослан Тигиев Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига биттадан бронза медаль қўшди.

XXX ёзги Олимпия ўйинларининг энг муҳим воқеаларидан бири эркин кураш мусобақаларида рўй берди. Дунёнинг энг забардаст эркин курашчилари иштирок этган 120 килограмм вазн тоифасидаги баҳсларда ўзбек полвони Артур Таймазов кетма-кет учинчи маротаба Олимпия ўйинлари олтин медалини қўлга киритиб, спорт оламида кам кузатиладиган тарихий натижани қайд этди.

Артур Таймазов ғалабаси шарафига XXX ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи кўтарилиб, Давлат мадҳияси янгради.

А.Таймазов ёзги Олимпия ўйинларининг эркин кураш беллашувларида уч маротаба олтин медални қўлга киритган дунёдаги учинчи полвон сифатида жаҳон спорти тарихидан жой олди.

«Икки карра жаҳон чемпиони бўлган Артур Таймазов Олимпия ўйинларининг олтин медалини учинчи бор қўлга киритди. Унинг ҳисобида Сидней Олимпиадасининг кумуш медали ҳам бор. Умумий ҳисобда тўртта олимпиада ва тўртта медаль. Бунақаси эркин кураш тарихида бўлмаган» деб ёзади nbcolympics.com сайти.

Спортда натижалар нафақат куч ва маҳоратга, балки омадга ҳам боғлиқдир. Велоспортчи Сергей Лагутин, боксчилар Элшод Расулов, Жасур Латипов, Ўктам Раҳмонов ва Фазлиддин Ғойибназаров, дзюдочи Рамзиддин Саидов, эркин курашчи Қурбон Қурбонов, енгил атлетикачи Светлана Радзивилга медални қўлга киритиш учун озгина омад етишмади. Каноэда эшкак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков, оғир атлетикачи Руслан Нуриддинов тўртинчи, Иван Ефремов эса бешинчи ўринни эгаллади.

Кейинги пайтларда олимпиадада иштирок этадиган спортчиларимиз сафи ошиб бориши баробарида улар қатнашадиган спорт турлари қамрови ҳам кенгайиб бормоқда. Хусусан, бадиий гимнастикада Ульяна Трофимова, хотин-қизлар ўртасидаги оғир атлетикада Мария Сисоева, қиличбозлик бўйича Руслан Кудаев илк бор иштирок этди. Теннисчимиз Денис Истомин кетма-кет икки учрашувда ғалаба қозониб, дунёнинг биринчи рақамли теннисчиси швейцариялик Рожер Федерергагина имкониятни бой берди.

Энг муҳими, спортчиларимиз ўзларининг шижоати ва матонати, ғалабага бўлган интилиши билан мухлису мутахассислар ҳурматини қозонди. Спорт ареналарига йиғилган хорижликлар ҳам олимпиячиларимиз иштирокидан завқланиб, уларни самимий олқишлади. «Браво, Узбекистан!» деган хитоблар Олимпиада кунлари нафақат спорт майдонларида, балки Лондон кўчаларида ҳам жаранглаб тургани бунинг далилидир.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга қаратилаётган доимий эътибор самарасида ҳамюртларимиз жаҳон спорт майдонларида улкан ютуқларга эришаётгани алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг куни кеча қабул қилинган "Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришган спортчиларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармони спортчиларимизга кўрсатилаётган доимий ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Анвар САМАДОВ,**
**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

*"Qishloq hayoti" мухбири Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.*

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК – ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётганислоҳотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантиришга катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мустақиллик йилларидаги тараққиётимиз мисолида шуни айтиш мумкинки, бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратмасдан туриб, иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз. Ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалардан бири бўлмиш аҳолимизни, авваламбор, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда айни шу соҳани тез ва жадал суръатлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан биридир.**














Кичик бизнес субъектлари ихчам ва ҳаракатчан бўлиб, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олади, унинг янги иш ўринлари яратиш, аҳоли эҳтиёжини таъминлаётган маҳсулот ва хизматлар бозорини кенгайтириш, умуман, иқтисодиётимизни юксалтиришдаги аҳамияти каттадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва шу асосда яратилган қонунчилигимизда хусусий мулк устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилгани, унинг конституциявий кафолатлари ишончли таъминланганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили жорий этилган.

Бугунги кунда ўз хусусий ишини очмоқчи бўлган тадбиркорлар икки кун давомида тегишли рухсат олиш имкониятига эга. Бу муддат ривожланган давлатлардаги мавжуд мезонларга мос келади. Энг муҳими, "ягона ойна" тамойили жорий этилгани тадбиркорлар учун айни муддао бўлди. Тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, экспорт товарларини божхонада расмийлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилди ва арзонлаштирилди. Кичик бизнес субъектларида улар рўйхатга олинган пайтдан бошлаб уч йил мобайнида солиққа оид режали текширишлар ўтказилишини тақиқловчи тартиб жорий этилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига босқичма-босқич ўтказилмоқда.

Хўжалик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси мунтазам тушириб борилмоқда. Мисол учун, 2009 йилда ягона солиқ тўлови бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилган бўлса, 2011 йилдан бошлаб бу кўрсаткичнинг 6 фоизга туширилгани яна бир катта имтиёз бўлди. Жорий йилдан бошлаб саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоиз миқдорида белгиланди.

Бўш турган бино ва иншоотлар тадбиркорлик субъектларига ижарага берилаётгани уларнинг ўз бизнесини янада ривожлантиришида қулай имкониятлар яратмоқда. Мисол учун, 2012 йилнинг биринчи ярмида 14 мингга яқин фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари ижарага берилган. Кичик бизнес субъектларини давлат харидларига кенг жалб этиш механизми йўлга қўйилиб, бу ишлар Ўзбекистон товар-хомашё биржасида электрон савдолар орқали олиб борилаётгани ўзининг юксак самараларини бераётир. Жорий йилнинг биринчи ярмида давлат харидлари тизимида ўз маҳсулот ва хизматлари билан 132,2 мингдан ортиқ кичик бизнес субъекти иштирок этгани бунга ёрқин мисолдир.

Буларнинг самарасида ўтган йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминловчи, демакки, долзарб ижтимоий вазифаларни ҳал этишда муҳим соҳага айланди. Айни пайтда иқтисодиётни изчил ва барқарор ривожлантириш, жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини кафолатловчи омиллардан бири сифатида кенг намоён бўлмоқда.

Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 31 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 54 фоизга етди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 75 фоиздан кўпроғи шу соҳада меҳнат қилаётир. Биргина шу икки кўрсаткичнинг ўзи Ўзбекистонда мазкур соҳа ривожига истиқлолнинг дастлабки йилларидан ҳар томонлама эътибор берилаётгани нақадар оқилона қарор бўлганлигини яққол кўрсатади.

Мазкур соҳага тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредит ресурсларининг ҳажми ҳам йил сайин ошмоқда. Бу йўналишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш, инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизмларини такомиллаштириш, бошланғич капиталини шакллантириш, микрокредитлар бериш кўламини кенгайтириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Бу замонавий технология ва асбоб-ускуналар асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга тез мослашадиган минизавод ва корхоналар ташкил этиш имконини бераётир. Жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган тадбиркорлар, ўзи етиштирган маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўйган, чорвачилик ва бошқа сердаромад соҳаларда юқори натижаларга эришаётган фермерлар сафи кенгайиб бораётир. Тадбиркор, фермер ва ҳунармандларнинг ўз фаолиятига замонавий, илғор усулларни татбиқ этишга интилиши кучаймоқда. Мисол учун, ўтган йилда кичик корхоналарнинг экспорт ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Маълумки, кичик корхоналарнинг ўз маҳсулотлари билан ташқи бозорга чиқиши осон эмас. Бунинг учун муайян сарф-харажатлар зарур, хорижий мамлакатлар бозори ҳолати ва қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида етарлича ахборот ва билимга эга бўлиш талаб этилади. Шу боис давлатимиз томонидан уларга ўз экспорт салоҳиятини ривожлантириши учун ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кичик бизнес корхоналари маҳсулотлари экспортини кенгайтиришни рағбатлантириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 1087,5 миллион долларлик ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,1 фоиз кўп товар ва хизматлар экспорт қилинишига эришилди.

Кичик бизнес вакиллари ва фермерларимиз қўлга киритаётган ютуқлар, уларнинг бугунги салоҳияти Ўзбекистон Республикаси Президенти совринни учун анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танловида ҳам ёрқин намоён бўлмоқда. Мазкур танлов тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини кенгайтиришда кучли рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Айни пайтда бу илғор тажрибани оммалаштириш, тадбиркорлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини қарор топтиришга хизмат қилаётир.

Барчамизни қувонтираётган бундай кўрсаткичлар мустақиллигимиз туфайли одамларимизга берилган эркинлик, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, соҳани замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий корхона эгаларининг ишбилармонлик маҳорати тобора ошиб бораётганининг ёрқин намоёнидир.

Тап-тақир ерни ўзлаштириб, мўл-кўл ҳосил ундирган деҳқонларимиз, бир туп дарахтда ўн хил мева етиштирган соҳибкорларимиз, ёғочга бамисоли жон бахшида этган уста ҳунармандларимизнинг анъаналарини истиқлол шарофати билан бугунги авлод ҳозирги замон талаблари асосида ривожлантирмоқда.

Яқинда Алишер исмли дўстим меҳмонга таклиф қилди. Анчадан буён кўришолмаганимиз учунми, собиқ синфдошлар, дўстлар гурунги узоқ давом этди.

– Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратиляпти, – дейди шу соҳада иш юритаётган Алишер. – Аввалига бироз ҳадик билан иш бошлаган эдим. Аммо ҳаракат қилса, изланса, имкон топиларкан. Қисқа вақтда оёққа туриб олдик. Корхонамизда етти-саккиз турдаги ширинлик ишлаб чиқарилади. Мана шу конфет ва печеньеларни ҳам ўзимиз чиқарганмиз.

– Мен чет элники бўлса керак, деб ўйлабман! – деди дўстларимиздан бири.

– Э, ҳозир ўзимизда чиқарилаётган маҳсулотлар чет элникидан қолишмайди, – гапни илиб кетди такси хизмати кўрсатувчи корхона ташкил этган яна бир синфдошимиз. – Раҳматли тарих ўқитувчимиз Файзулла ака бир дарсда «Болаларим, ҳали кўрасизлар, вақти келиб, телевизордан тортиб машиналаргача ўзимизда ишлаб чиқарилади", деганида ҳеч биримиз ишонмаган эдик. Мана, корхонамиз парки тўлиқ ўзимизда ишлаб чиқарилган машиналардан иборат.

**(Давоми 4-саҳифада)**

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК – ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

**(Боши 3-саҳифада)**

– Нимасини айтасан, – суҳбатга қўшилади фермер ўртоғимиз. – Дадам илгари оддий деҳқон бўлиб, «Ота-боболаримиз ерда меҳнат қилиб, пешона тери билан кун кечириб келган, бизнинг пешонамизга битгани шу», деган гапни кўп такрорлар эдилар. Деҳқоннинг ҳам косаси оқарадиган замон келди. Президентимиз фермерларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратмоқда. Ўн йилдирки, фермерлик қилаяпман, ер ўзимизники, сув ўзимизники. Техникамиз, ускуналаримиз етарли. Қанча меҳнат қилсак, тер тўксак, шунга яраша фойда олаяпмиз. Мана, бу йил шартнома мажбуриятини бажаришдан ташқари, уйимга йигирма тонна буғдой туширдим. Энди орттирилган маблағни қандай қилиб кўпайтириш устида бош қотираяпман. Мева-сабзавот ва сутни қайта ишлайдиган корхона очиш мақсадида бизнес-лойиҳа ишлаб чиқдим. Кредит учун банкка ариза ташлагандим, куни кеча мурожаатингиз ижобий ҳал этилди, деб хабар қилишди.

– Ҳа, мустақилликнинг меваларини ҳамма жойда, ҳар бир шаҳару қишлоқда кўриш мумкин, – дейди ҳунарманд Шерали. – Хизмат тақозоси билан юртимизнинг турли ҳудудларида бўламан. Қаерга борманг, қурилиш, бунёдкорлик, ободончилик ишларига гувоҳ бўласиз. Завод, фабрика, бозор, супермаркет, гўзаллик салони, кафе, ресторан... Бахри дилинг очилиб кетади. Суриштирсанг, бу объектларнинг деярли ҳаммасининг эгаси тадбиркорлар.

Дўстлар даврасидаги бу дилкаш суҳбатдан руҳланиб кетдим. Энг муҳими, бундай фикрлар, ҳақли эътирофларни ҳар бир юртдошимиздан эшитиш мумкин. Ҳа, мустақиллик эл-юртимизнинг турли соҳалардаги юксак парвозларига қанот берди.

Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмаганидек, жаҳон бозорида рақобат ғоят кучайган бугунги мураккаб даврда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва туб ижтимоий ўзгаришларнинг муҳим бўғини бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг турмушимиздаги ўрнини янада кенгайтириш, бу соҳа учун янги имконият, имтиёз ва преференциялар яратиб бериш ҳамда унинг ривожини янги босқичга кўтариш доимо долзарб вазифадир.

Шу борада сўз кетганда, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси доирасида оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш, оилавий корхонанинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, меҳнат муносабатлари ва давлат томонидан қўллаб-қувватланишини юридик жиҳатдан мустаҳкамлайдиган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун қабул қилинганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Президентимизнинг 2012 йил 16 июлда қабул қилинган "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш, бизнес субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва уларнинг янада эркин фаолият юритишини таъминлашда навбатдаги муҳим қадам бўлди. Мазкур ҳужжатга асосан статистика, молия, солиқ ва бошқа турдаги ҳисоботларни ҳамда уларнинг даврийлигини қисқартириш, шунингдек, саксонта рухсат бериш тартиб-таомилини ва ўн бешта фаолият турини лицензиялашни бекор қилиш кўзда тутилгани тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратади.

Президентимизнинг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг барча турларини қисқартириш, соддалаштириш ва очиқ-ойдинлик даражасини ошириш, бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолаш мезонларининг жаҳон амалиётида ҳамма томонидан қабул қилинган тизимини жорий этиш ва шу асосда мамлакатимиз ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада оширишга қаратилган "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борада янги бир даврни бошлаб бериши шубҳасиз.

Мухтасар айтганда, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал тараққий эттириш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар самарасида бугунги кунда мазкур соҳа ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири билан мамлакатимиз ривожида, халқимиз ҳаётида алоҳида ўрин эгаллади. Бу ҳақли равишда жаҳон жамоатчилиги, халқаро молия институтлари, хорижлик таҳлилчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

Самарқанд Вилояти

## СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳоли ўртасида спортни оммалаштириш орқали соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, айниқса, ёш авлодни спортга кенг жалб этишга қаратилаётган юксак эътибор ўз самараларини бермоқда.**

Самарқанд шаҳридаги Сартепа спорт мажмуасида ўтказилган «Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи» мусобақасида бу яна бир бор ўз тасдиғини топди.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган мусобақада Самарқанд шаҳридаги Заргартепа, Саъдий Шерозий ва Хўжа Соат маҳаллаларининг спортсевар оилалари иштирок этди. Шахмат-шашка, стол теннисси ва югуриш бўйича ўтган баҳслар якунида энг яхши натижани кўрсатган заргартепалик Акмал Худойбердиевнинг оиласи ғолиб деб топилди.



**СУРАТДА:** *мусобақа ғолиби Акмал Худойбердиев оиласи.*

**Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

Сирдарё Вилояти

▼ ТОМОРҚА — ХАЗИНА

## ИШБИЛАРМОННИНГ ИШИДА УНУМ БЎЛАДИ

**Ховос тумани Фарҳод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида қурилган бир-биридан шинам ва кўркам уй-жойлар, ҳосилини кўтара олмаётган боғларни кўриб дилингиз яйрайди. Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 4 та мактаб, 2 та қишлоқ врачлик пункти, 1 та коллеж, 1 та болалар боғчаси, бир неча гузар ва тикувчилик цехлари фаолият кўрсатаётир. Истиқлол йилларида янги боғ-роғлар, узумзорлар барпо этиш, томорқа хўжалигидан унумли фойдаланишга қаратилган эътиборнинг самарасини бу ерда ёрқинроқ кўриш мумкин.**

Навоий маҳалласида яшовчи Файзулла Абдусамадов плёнка остида помидор, булғор қалампири кўчатлари етиштириш ҳисобига 15 сотих майдондан йилига 6-7 миллион сўм соф фойда олаётир. Кўчатхонани иситишда электр токи ёхуд газ эмас, балки маҳаллий гўнгдан самарали фойдаланмоқда. Кўчатлар йиғиштириб олингач эса уларнинг ўрнида эртаги ва кечки картошка парваришлаш ҳисобига яна 4-5 миллион сўм қўшимча даромад олмоқда. Маънавият маҳалласида яшовчи чорвадор Надежда Дурдина "Надежда" кичик корхонасида чиқиндилардан биогаз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, чорвачилик фермасини, шу атрофда яшаётган аҳолини арзон ҳамда қулай электр энергияси ва газ билан таъминлаётир. 50 бошдан ошиқ қорамол боқилаётган фермада сувни иситиш, ем тайёрлаш ҳам тўла биогаз ёрдамида бажарилмоқда.

Пастки Қайирма маҳалласида истиқомат қилаётган Жуманазар Раҳимовнинг томорқасидаги 20 тупдан ошиқ беш юлдузли бахмал олмаси, шиғил ҳосилга кирган ёнғоқзор ҳавасингизни келтиради. Ўрик, олхўри, олча каби мевали дарахтлари ҳам боққа ўзгача кўрк бериб турибди. Ҳатто томорқа-боғда тупроқ шароитига мослаштирилган хурмо ҳам барқ уриб ўсяпти. Томорқанинг айлана-четига экилган 500 тупдан ортиқ тераклар ҳам етилган. Ҳар донаси 30 минг сўмдан сотилганда ҳам томорқачи шунинг ўзидан 15 миллион сўм даромад олиши мумкин экан.

— Мевали кўчатларни шўрхок майдонга ўзимиз мослаштирдик, — дейди Жуманазар Раҳимов. — Ерга ишлов берганимиз боис шўр икки-уч йилда чекиниб, томорқамиз унумдор ерларга айланди. Кўчатларга вақтида шакл бериб, суғориб, "шарбат"га қондираман. Томорқада 5 сотих картошка, 10 сотих майдонда помидор парвариш қиламиз. Ипак қурти боқамиз. Пилла етиштирамиз.

— 5 сотих майдондаги картошкадан 1,5 тонна ҳосил олдик, — дейди унинг турмуш ўртоғи Муҳаббат Раҳимова. — 10 сотих помидордан йилига ўртача 5-6 миллион сўм даромад оляпмиз. Астойдил ишлаган, деҳқончиликнинг ҳадисини олган оила томорқадан миллион-миллион фойда кўради.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Наманган Вилояти

**Наманган вилояти ҳокимлиги қошидаги "Қалб меҳри" маркази раҳбари Назира Раимжонова билан суҳбатлашиб ўтиргандик. Шу пайт унинг қабулига икки аёл кириб келди. Уларни бу ерга маҳалла маслаҳатчиси бошлаб келибди. Таништиришди. Бири қайнона, иккинчиси келиннинг холаси экан. Уларнинг муаммоси эса... Бундан саккиз ой аввал 19 ёшли қиз ва 22 ёшли йигит бир-бирларини ёқтириб турмуш қуришган. Бироқ икки ёшнинг бахтли онлари тўрт ой деганда тугайди. Келин ота-онасиникига кетиб қолади.**

## МУСТАҲКАМ ОИЛА – БУЗИЛМАС ҚЎРҒОН

Сабаби эса келин ҳомиладор бўлгач, унда тез-тез бетоблик кузатила бошлаган. Шифокорлар ундаги буйрак шамоллаши ва қон босимининг ошиб кетиши ҳомилага жиддий таъсир кўрсатишини назарда тутиб, даволанишни тавсия қилади. Хонадон эгалари уй шароитида даволанишни айтишади. Бу ҳолат эса келиннинг ота-онаси қулоғига етиб боргач, қудалар ўртасида гап қочади. Охир оқибат икки ёш ажралишни маъқул топишади.

Орадан шунча вақт ўтишига қарамай на қиз томон, на йигитнинг ота-онаси бир-биридан хабар олишмаган.

Вазиятни билгач, Назира Раимжонова тажрибасини ишга солиб, "музокара"га киришди. Шундан сўнг куёвнинг ойиси "юмшаб", набирасини "тирик етим" қилмасдан келинини олиб кетадиган бўлди. Қудалар ярашишди. Келинчакни ҳам чақиртирди. Келин қайнонасидан кечирим сўради. Қайнонанинг кўзидан қувонч ёшлари қалқди ва келинини бағрига олди.

Назира опа билан яна суҳбатимизни давом эттирдик.

— Мақсадимиз оилалар мустаҳкамлигини таъминлашдир, — дейди у. — Шу йилнинг ўзида элликдан зиёд оилаларнинг ажрим муаммоларини ижобий ҳал этишга эришдик. Асосли сабаблар билан оилани қайта тиклашнинг имкони бўлмаган тақдирда ҳам болалар ва аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиламиз. Биз ҳамманинг дардига қулоқ тутишга, тўғри йўл кўрсатишга тайёрмиз. Ниятимиз ҳеч бир оила бузилмасин.

**Шаҳзода АКБАРОВА**

Жиззах вилояти

# Болдан болнинг фарқи бор

**Жиззах шаҳрида яшовчи 75 ёшли меҳнат фахрийси Равкат Якубов ва унинг фарзандлари — Темур, Альфат, Тоир ҳамда Анваржонлар билан катта йўл бўйидаги ялангликда суҳбатлашиб қолдик. Ёнимизда оилавий тадбиркорларнинг 220 қути асалари юкланган учта махсус тиркамадан иборат кўчма "эшелон"лари турибди. Қарийб 35 йил турли автокорхоналарда юк машинаси ва автобус бошқарган Равкат аканинг суҳбатлари мароқли...**



Равкат акани тинглаб ўтирарканман, чой қуяётган Тоиржон асаларилар томонга бир нигоҳ ташладию апил-тапил қўлидаги чойнакни дастурхонга қўйиб, деди:

— Ота, қаранг, яна бошланди!..

— Қўявер, болам! — деди Равкат ака ўша ёққа қараганича. — Насиб этгани бўлади.

Уларнинг гапларидан ҳеч нарса тушунмасам-да, ўша томонга қарадим. Асалари қутиларидан бироз нарида ҳавода муаллақ турган гиламдай доира ясаган минглаб арилар "виз-виз"лашарди. Равкат аканинг айтишича, улар ҳаёт-мамот жанги олиб боришаётган экан.

— Боларилар яратган қоидалар бўйича бир асалари оиласидан бошқасигача бўлган оралиқ масофа 1,5-2 километрдан кам бўлмаслиги керак, — деди у. — Бундан яқин бўлса, арилар учун қиёмат қойим, дейверинг. Мана, биз ариларимиз уяларидан навбатдаги ҳосилни ажратиб ола бошладик. Қўшни арилар буни сезиб, тайёрига айёр бўлгали бизнинг ариларимиз чегарасини бузиб ўта бошлашди. Бизникилар дарҳол йўлларини тўсишди. Ортларига қайтавермагач, ана, кўриб турганингиздай тўқнашув содир бўлди. Энди икки томон ҳам катта талафот кўради.

Бу орада жанг поёнига етиб, ҳалиги жойда арилар кўринмай қолишди. Бордик. Минглаб арилар тутдай тўкилиб қолган, улар орасида бирорта тириги ҳам, чалажони ҳам йўқ эди. Равкат аканинг юз-кўзларида ачиниш зоҳир бўлиб турса-да, сир бермай, деди:

— Бу ариларнинг ярмидан кўпи қўшниларимизники. Уларга "Сизлар кейин келдингиз, биз аллақачон жойлашиб олганмиз, бунинг устига, ари уяларимиз сизникидан тўрт ҳисса кўп, масофа сақлаб, нарироққа қўналға тикинглар", деб кўп айтдик. Парво қилишмади. Мана, оқибати. Қанча ари қирилиб кетди. Назаримизда, шу масалада ҳам тегишли идоралар ва вилоят асаларичилик бирлашмаси мутахассислари бирор тартиб-қоида жорий этиб, назорат қилишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ахир, биз асаларичилар эл-юртга асалдан ташқари ҳам қанчадан-қанча дори-дармон воситалари — гул чанги, мум, прополис етказиб берамиз. Соф асалимиз эса, минг дардга даво.

— Қанча асал оласизлар?

— Ҳар қутидан 18-20 килограммдан, — дейди у.

— Бунча асални қаерга сотасизлар? — гапини бўламан унинг.

— Ҳарҳолда катта асфальт йўли бўйидаги "асал" деб шакар қиёми сотаётган сохта асалфурушлар бозорига чиқармаймиз, — дея суҳбатга қўшилди оиланинг тўнғич фарзанди Темур Якубов. — Аслида заҳматкаш асаларичилар нуфузини тушириб, табиий асал обрўсини тўкаётганлар ўшалар. Бундан бироз олдин ёнимизга бир "Нексия" келиб тўхтадию, ундан тушган киши "Тоза асал борми, қимматроқ бўлса ҳам майли?!" деди. Ўзимни тутолмай, "Тоза асал, хув, Сангзор дарёси бўйидаги "асал бозори"да бўлади", деб юбордим. Ахир, улар шакар қиёми сотишади-ку? Бу ҳолга назорат органлари ҳам, санитария-эпидемиология марказлари ҳам, экологлар ҳам лоқайд қарашига ҳайрон бўласан, киши.

— Асалдан асалнинг фарқи бор, — деди оила бошлиғи. — Жиззахдаги бир нечта дўконлар, кўплаб оилалар доимий мижозларимиз. Даладан қайтишимизни пойлаб туришади. Тошкент ва Гулистон шаҳарларидан келадиган харидорлар ҳам анча. Бу томонидан кўнглимиз тўқ. Бунинг устига, биз ҳисобда турган Зомин ўрмон хўжалиги орқали пойтахтдаги бир неча шифохона ва дорихоналар ҳам асалимизни харид қилишади. Даладан қайтганимиздан сўнг шаҳардаги кам таъминланган оилалар, кекса ва ногирон кишиларга ҳам асал тортиқ этамиз.

Олаётган даромадимиз менинг ва тўрт нафар ўғлимнинг оила аъзолари учун етиб-ортиб турибди. Оилавий тадбиркорлигимиз шарофати билан шаҳар марказидан ҳовли-жойлар қурдик, машиналар сотиб олдик. Давлатимиз томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор ва кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликлардан баҳраманд бўлиб, ишларимизни тобора яхшилаётирмиз. Яқин вақт ичида фарзандларим билан биргалашиб, ўзимизнинг "Арихона-дорихона" фирмамизни очмоқчимиз. Унда Зомин тоғи ва Мирзачўл кенгликларидан олинган шифобахш ва тоза асалларимизни турли ҳажмларда қадоқлаб сотишни йўлга қўямиз. Энг муҳими, сохта асал билан ҳақиқийсининг фарқини кўрсатиб, болариларнинг бошқа шифобахш маҳсулотларини ҳам чиқармоқчимиз.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Андижон вилояти

▼ ИНФРАТУЗИЛМА

# ФЕРМЕРГА ЭШ БЎЛГАННИНГ — ИШИ БЕШ

**Бугунги давр қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришни, ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар, фан ютуқларини кенг жорий этишни, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишни талаб этмоқда. Ҳозирги пайтда пахта-ғаллачилик йўналишидаги кўпгина фермер хўжаликлари кредит, лизинг асосида турли русумдаги, биринчи навбатда, чопиқ тракторларига эга бўлдилар. Эндиликда уларга техник хизмат кўрсатишни янада яхшилаш ғоят муҳим масала бўлиб турибди.**

Техник хизмат кўрсатувчи муқобил субъектлар фаолиятини кенг йўлга қўйиш, бу соҳада рақобат муҳитининг пайдо бўлишига шароит яратиш зарурияти юзага келди. Шунинг учун ҳам фермер ва деҳқон хўжаликларига комплекс агросервис хизматлари кўрсатувчи субъектнинг экспериментал кўринишидаги шаклларини ташкил этиш мақсадида Андижон вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти томонидан услубий тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Ушбу тавсияномага ҳамоҳанг равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг давлат буюртмаси мақомига эга бўлган "Пахта ҳосилдорлигини оширишда илмий экспериментал фермер хўжаликлари ва уларга комплекс сервис хизмати кўрсатиш субъектлари — хусусий корхоналар фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини жорий этиш" инновацион лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишга киришилди. Андижон вилояти ҳокимлиги томонидан лойиҳанинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ҳисобга олиниб, уни амалга оширишга қаратилган дастур тасдиқланди. Мазкур ҳужжатда туман ҳокимликлари, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, вилоят "Давтехназорат" инспекцияси, Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг вилоят бўлими, Марказий банкнинг вилоят Бош бошқармаси, Солиқ идораси, Андижон қишлоқ хўжалиги институти, аграр йўналишдаги коллежлар мутахассислари ҳамкорлигида ушбу масала билан боғлиқ муҳим вазифалар белгилаб берилди. Туман ҳокимликлари томонидан комплекс сервис хизмати кўрсатиш экспериментал субъектларини ташкил этиш чора-тадбирлари кўрилди. Дастлаб Андижон, Жалақудуқ, Бўз, Олтинкўл, Пахтаобод, Шаҳрихон туманларидаги А.Чўлпон номли, "Олмазор", Тошматов номли, Р.Зокиров номли, Шодмонов номли, С.Ашуров номли, "Туркистон", О.Қурбонов номли, "Ғалаба", "Шаҳрихон зиёлилар диёри" сингари субъектларнинг вазифалари белгилаб олинди. Иккинчи босқичда "Андижон агротехсервис", "Бўз агротехсервис", "Тошматов агротехсервис" илмий экспериментал комплекс сервис хизмати кўрсатиш корхоналарининг Низомлари туман ҳокимликларининг тадбиркорликни рўйхатга олиш инспекциялари томонидан рўйхатга киргизилди. Шу ўринда Соибжон Мадумаров раҳбарлик қилаётган "Тошматов агротехсервис" корхонаси жамоасининг иқтисодий кўрсаткичларига тўхталиш жоиз. Бу ташкилот ишчи-хизматчилари 2011 йили 14 миллион сўмлик хизмат кўрсатган эдилар. 2012 йилнинг олти ойида эса бу кўрсаткич 54 миллион сўмликни ташкил этди.

Бу субъектларнинг ўзлари жойлашган ҳудудда фақат техник хизмат кўрсатиши эмас, балки келгусида фермер ва деҳқон хўжаликлари мутахассислари малакасини ошириши, агротехнология, иқтисодий хизматлар турларини кенгайтириб бориши назарда тутилмоқда. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг илмий натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этишдаги тажрибалари етишмаслиги ҳисобга олиниб, фермер ва деҳқон хўжаликларига айни шу субъектлар орқали замонавий инновацион лойиҳаларни бевосита жойларда амалиётга жорий этиш имконияти вужудга келади. Шунингдек, бундай корхоналарнинг молиявий имконияти, интеллектуал салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлайдиган, сақлайдиган, чорвачилик тармоғи учун омихта ем тайёрлайдиган кичик цехлар фаолиятини йўлга қўйиш имконияти мавжуд. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти билан тузилган шартномага кўра, мазкур субъектлар илм-фан натижаларини амалиётга жорий этишда тажриба участкаси сифатида ҳам фаолият олиб боради. Хусусан, янги қишлоқ хўжалиги машиналари, тракторларнинг осма ишчи органларини синовдан ўтказиш ва бошқа ишлар учун зарур шароит яратилади. Хизмат кўрсатувчи субъектларнинг банк, солиқ, таъминот корхоналари, фермер хўжаликлари билан ҳамкорлик асосида ишлаши бўйича беш йилга мўлжалланган истиқболли Дастур ишлаб чиқилган. Уларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фаолиятига амалий ёрдам кўрсатиш, мувофиқлаштириб бориш мақсадида бизнинг "Агроилмэксфер" вилоят бирлашмамиз ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалигини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги қарори фаолиятимиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

**Дилмурод СУЛТОНОВ,**
**Андижон вилоятидаги фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи "Агроилмэксфер" бирлашмаси Бош директори.**

**"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига ҳар томонлама кўмак кўрсатиш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга ошириш белгиланган.**

# ЛОЙИҲА САЛОМАТЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан ҳам дастурга ҳамоҳанг тадбирлар ташкил этилмоқда. Жумладан, бемор болаларни нуфузли клиникаларда даволаш лойиҳалари ишлаб чиқилган. Шулардан бири "Чиройли оёқлар" лойиҳасидир. Унинг доирасида бўйин умуртқа поғонаси ва таянч-ҳаракат тизими шикастланган, танаси куйган болаларга Германия клиникаларида жарроҳлик ёрдами кўрсатилади.

2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Германиянинг "Фриденсдорф Интернейшнл" халқаро ташкилоти ҳамда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан уч томонлама ҳамкорлик битими имзоланган эди. Унда 12 ёшгача бўлган бемор ва ногирон болаларни даволаш ва реабилитация қилиш кўзда тутилганди. Ўтган йилларда 206 нафар ўзбекистонлик бемор болалар терининг куйиши асоратлари, туғма кўл-оёқ бўғимлари хасталиги ва бошқа ташхислар билан Германиянинг нуфузли клиникаларида даволаниш учун юборилди.

Жорий йилнинг 15 август куни ушбу лойиҳа доирасида 16 нафар бемор болалар жамғарма вакиллари ҳамроҳлигида даволаниш учун Германияга жўнаб кетишди. Улар клиникаларда 6 ойдан 3 йил муддатгача даволаниб, сўнгра ватанимизга қайтишади.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА**

Самарқанд Вилояти

**Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллик шодиёналари жойларда муносиб кутиб олинмоқда. Самарқанд вилоятида ҳам байрам арафасида бир неча ўнлаб янги иншоотлар, бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилаётир. Жумладан, Тайлоқ туманида иккита замонавий мактаб биноси қад ростлади.**

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ЯНГИ МАКТАБЛАРДА

— Жорий ўқув йилини икки қаватли замонавий янги бинода бошлайдиган бўлдик, — дейди тумандаги 6-умумтаълим мактаби директори Раҳматилла Дўсанов. — Эндиликда 644 нафар ўқувчи икки босқичда таълим олиб келаётган бир қаватли ва кўримсиз бино ўрнига барча қулайликларга эга замонавий мактаб қад кўтарди. Бу ишларга 983 миллион сўм маблағ сарфланди.

— Икки қаватли мактаб биноси ва 12Х24 метр ҳажмдаги спорт зали ҳамда ёрдамчи бинолар янгидан қурилди, — дейди «Соҳитмон» МЧЖ раҳбари Эргаш Насриддинов. — Февраль ойида иш бошлагандик. Мактаб биноси муддатидан олдин фойдаланишга топширилди.

Тумандаги 27-умумтаълим мактаби жамоаси ҳам Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллик тантаналарини янги бинода нишонлашади.

— Қисқа фурсатда шундай ҳашаматли мактаб биносига эга бўлдик, — дейди мактаб директори Умарқул Солиев. — Февралдан ишга киришган «Парвез Инвест» хусусий қурилиш корхонаси бунёдкорлари 788 миллион 900 минг сўмлик ишларни тез суръатларда сифатли қилиб якунига етказишди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, барпо этилган ҳар иккала мактабда ҳам барча қулайликларга эга ва тўлиқ жиҳозланган физика, кимё, лингафон ва лаборатория хоналари мавжуд. Эзгу мақсадлар йўлида бунёд этилган мустақиллик иншоотлари эртамиз эгаларининг порлоқ келажагига хизмат қилади.

**Акбар ҚАРШИЕВ**




*Шаҳрихон тумани Бешариқ маҳалласида яшовчи Муяссар Тўхтаева дўппидўзлик билан шуғуллана бошлаганига ўттиз йилдан ошди. У тиккан* ***«Сирға», «Ловия», «Ниҳол», «Андижон ситораси»*** *каби дўппилар тикилиш услуби, майин нақшлари билан кўпчиликнинг эътиборини тортади.*

**Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎзА) олган сурат.**

Қашқадарё Вилояти

**Вилоят адлия бошқармасида мамлакатимизда қулай бизнес муҳитини шакллантириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларни тадбиркорлар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида давра суҳбати ташкил этилди.**

## ТАДБИРКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

Тадбирда сўз олганлар истиқлол йилларида мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун солиқ, божхона ва бошқа йўналишларда бир қатор имтиёзлар берилиб, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар. Натижада кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йил билан таққосланганда 31 фоиздан 54 фоизга кўпайгани ва ушбу соҳада меҳнат билан банд бўлганлар сони ана шу давр ичида икки баробардан кўпроққа ошгани қайд этилди.

Тадбир давомида мутахассислар томонидан кичик бизнес вакиллари соҳага оид кўплаб бошқа имтиёзлар билан таништирилди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**


**ЭЪЛОН**

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2012 йил 18 сентябрь куни соат 14:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Янгиқўрғон тумани, Янгиқўрғон шаҳарчаси, А.Қўчқоров кўчаси, 4-уйда жойлашган **Янгиқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси**га тегишли 1989 йилда и/ч, "УАЗ-3962" русумли, д/б 16 AG 274 бўлган автотранспорт воситаси 610 000 сўм бошланғич баҳода қўйилади.

Мазкур куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2012 йил 25 сентябрь куни соат 14:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар мазкур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 17:00 га қадар Вилоят давлат мулки бошқармаси биносининг 15-хонасида қабул қилинади ва савдо ўтказилишидан бир кун аввал соат 14:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган «Закалат пули тўғрисидаги келишув»га асосан автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Universal Auktsion Invest" МЧЖ Наманган филиалининг АТИБ «Ипотека банк» Наманган бўлими МФО-00223, СТИР 302083379, 20208000104932168005 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларини топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:** 160100, Наманган шаҳри, Банк кўчаси, 9-уй, 1-қават, 15 хона. Тел/факс: (8-369) 226-41-66.

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2012 йил 18 сентябрь куни соат 11:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Бухоро шаҳар, М.Иқбол кўчаси, 8-уйда жойлашган **Давлат-тижорат Халқ банки Бухоро вилояти филиали**га қарашли қуйидаги (техник носоз) автотранспорт воситалари қўйилади:

1995 йилда и/ч "УАЗ-31514" русумли, д/р 20 AE 129, бошланғич баҳоси 3 000 000 сўм; 1979 йилда и/ч "ГАЗ-24" русумли, д/р 20 AG 749, бошланғич баҳоси 800 000 сўм; 1995 йилда и/ч "УАЗ-31514" русумли, д/р 20 AF 299, бошланғич баҳоси 2 800 000 сўм; 1995 йилда и/ч "УАЗ-31514" русумли, д/р 20 AE 640, бошланғич баҳоси 3 800 000 сўм; 1995 йилда и/ч "УАЗ-31514" русумли, д/р 20 AE 133, бошланғич баҳоси 2 100 000 сўм; 1995 йилда и/ч "УАЗ-31514" русумли, д/р 20 AE 127, бошланғич баҳоси 1 800 000 сўм; 1995 йилда и/ч "ВАЗ-2106" русумли, д/р 80 029 CAA, бошланғич баҳоси 950 000 сўм; 1991 йилда и/ч "ИЖ-21151" русумли, д/р 20 AF 742, бошланғич баҳоси 700 000 сўм; 1995 йилда и/ч "ВАЗ-2106" русумли, д/р 20 AE 992, бошланғич баҳоси 950 000 сўм; 1995 йилда и/ч "УАЗ-31514" русумли, д/р 80 654 CAA, бошланғич баҳоси 3 000 000 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари биринчи савдо куни, яъни 2012 йил 18 сентябрь кунида сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоси ғолиблари томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 5 фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) иш куни ичида сотувчи билан транспорт воситаси олди-сотди шартномаси тузади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 18:00да тўхтатилади. Аукцион савдоси Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уйда ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Universal auktsion invest" МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг "Турон банк" Бухоро вилояти филиалидаги МФО: 00111, СТИР: 302083379, 20208000004932168017 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

**Қўшимча маълумотлар учун:** "Universal Auktsion Invest" МЧЖ Бухоро вилояти филиали, Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (Давлат мулк қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биноси). Тел: (+99893) 452-10-01.

*Гувоҳнома № 004059*



# МУЗЕЙЛИ ПОЕЗД ИШГА ТУШДИ

**Париж-Версаль йўналишида ҳаракатланувчи поезднинг ичи бутунлай ўзгартирилди.**

Франция миллий темир йўл жамияти президенти Гийом Пепи ва "Версаль саройи музейи" давлат муассасаси раҳбари Катрин Пегарнинг лойиҳасига кўра, ушбу поезд ички қисми Версаль саройи кўринишида қайта таъмирланди. Уларнинг айтишича, ушбу лойиҳа сайёҳлар оқимини кенгайтириш мақсадида амалга оширилмоқда. Маълумотларга кўра, поезднинг вагон деворлари ва шифтларига саройнинг асосий заллари ва қирол Людовик XIV нинг шахсий оромгоҳи тасвирлари туширилган.

Айни вақтда поезднинг фақат беш вагони ишга тушди. Муаллифларнинг ғоясига кўра, қолган вагонлар поездда шишали галерея, қироллик кутубхонаси ва қироличанинг хонаси ташкил этилганидан сўнг ҳаракатга тушади.

# ОЁҚСИЗ АЛЬПИНИСТ

**Америкалик Спенсер Вест Африкадаги энг баланд чўққини забт этди.**



Ажабланарлиси шундаки, у Танзаниядаги Килиманжаро тоғининг 5895 метр баландликдаги чўққисига фақат қўллари ёрдамида кўтарилган. Боиси, унинг оёқлари беш ёшида генетик бузилиш туфайли кесиб ташланган. Маълумотларга қараганда, Спенсер бундай муваффақиятга 7 кун давомида эришган. У бундан аввал ҳам бир неча чўққиларни забт этган.

# СУВ УСТИДАГИ УЙ

**Италиялик саноат дизайнери Мишель Пуццолантенинг лойиҳаси асосида сув устида антиқа дам олиш маскани бунёд этилди.**



Ташқи томони қуёш батареялари билан қопланган, сув устида мунтазам ҳаракатланувчи бундай уйлар мажмуаси ноқулай об-ҳаво шароитига чидамли, хавфли ташқи омиллардан ҳимояланган. Олти кишига мўлжалланган мазкур оромгоҳ уйларнинг деворлари қалин, синмас ойналардан ишланган. Ўзига хослиги билан сайёҳларни жалб этаётган ушбу уйларда яшовчи киши шиша поллар орқали сув ости дунёсини томоша қилиш ва атрофни кузата олиш имконига эга.

Уч ва тўрт хоналардан иборат ушбу уйларда ошхонадан тортиб, чўмилиш хонасигача мавжуд.

# ДАНГАСАНИНГ ЧЕЛАГИ

**Япониялик Минокур исмли ёш ихтирочи ақлли чиқит челаги яратди.**



Унинг айтишича, "янги челак" ирғитилган чиқиндини ўзи тутиб олади. Чиқиндининг траекториясини ва ерга тушиш нуқтасини ҳисоблаш учун челакка махсус датчиклар, шунингдек, зарур жойга тезлик билан етиб бориши учун моторлаштирилган ғилдираклар ўрнатилган.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, Минокур мазкур қурилмани яратиш сирлари – кодни ёзишдан то деталларни йиғишгача бўлган жараённинг барчасини интернетда намойиш этган.



# ТОРТ ЎРНИГА БАЛИҚ

**Япониянинг Канагава туманидаги тўйхоналарнинг бирида торт ўрнига дастурхонга улкан денгиз балиғи тортиш урфга кирди.**

Энди келин-куёв тўйхонага йиғилган меҳмонларни «тўй балиғи» билан сийлайди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, Хонсю оролида жойлашган ушбу туман аҳолиси ғайриоддий анъаналари билан ажралиб туради. Маълумотларга кўра, бир неча кун аввал бўлиб ўтган ёш жуфтликнинг никоҳ тўйида дастурхон 100 килограммлик балиқ билан безатилган.




(20 август – 26 август)

**ҚЎЙ (21.03 – 20.04)**



Ҳамма ишда бевосита иштирок этишга ҳаракат қилаверишингиз бошқаларга халақит беришидан ташқари, ўзингизни толиқтириб ҳам қўйиши мумкин. Баъзи жараёнларни четдан кузатиш билан чекланинг.

**БУЗОҚ (21.04 – 20.05)**



Одамлар билан муносабатда ўзингизни босиқ тутишга ҳаракат қилинг. Арзимас сабаб билан мунозарага киришиб кетавериш ҳамкорларингизни сиздан узоқлаштириб қўйиши мумкин.

**ЭГИЗАКЛАР (21.05 – 21.06)**



Бордию, шу кунларда бироз дангасалигингиз тутаётган бўлса, бундан виждонингиз қийналмасин. Аксинча, кайфиятингизга қараб иш тутинг, яъни кўпроқ ҳордиқ чиқаринг.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 – 22.07)**



Феъл-атворингиздаги ижобий жиҳатларни тўла намоён этиш учун қулай фурсат етди. Шу орқали аразлашган кишиларингиз билан ҳам ярашиб олишингиз мумкин.

**АРСЛОН (23.07 – 23.08)**



Шу кунларда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ривожи сизга унчалик ёқмаётган бўлса-да, вазиятга кўникишдан бошқа иложингиз йўқ. Сизни хурсанд қиладиган воқеалар ҳали олдинда.

**ПАРИЗОД (24.08 – 23.09)**



Атрофингиздаги кишиларнинг турли ташвишлар билан елиб-югуриши сизга шу кунларда ғалати туюлиши мумкин. Сабаби, сиз айни кунларда фалсафий мушоҳадалар оғушидасиз.

**ТАРОЗИ (24.09 – 23.10)**



Ўз вазифасини вақтида ва бекаму-кўст бажарадиган кишилар тоифасидан бўлганингиз сабабли бошқаларнинг ишга масъулиятсиз муносабатидан жаҳлингиз чиқаверади. Лекин беш қўл баробар эмас-да...

**ЧАЁН (24.10 – 22.11)**



Истак-хоҳишларингиз арзимаган саъй-ҳаракат эвазига амалга ошиши сизга бироз ғалати туюлиши мумкин. Ажабланиш ўрнига, қувончли дамлардан роҳатланинг, ҳаёт завқини туйинг.

**ЎҚОТАР (23.11 – 21.12)**



Уй-рўзғор юмушлари барча бўш вақтингизни олиб қўйса-да, бундан нолишга ҳаққингиз йўқ. Ахир кейинги пайтларда бу жабҳадаги муаммоларни ўз ҳолига ташлаб қўйган ўзингиз эмасми?

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 – 20.01)**



Сизда мавжуд ҳозиржавоблик ва яхши шаклланган юмор ҳисси кишилар кўнгил қулфини очувчи калитдир. Бу хислатдан ўринли ва унумли фойдалана билсангиз бўлди.

**ҚОВҒА (21.01 – 20.02)**



Ўзингизни ишларингиз унумини таъминлаш учун етарли даражада ишончли ҳис қилмоқдасиз. Демак, фурсатни бой бермай, ишга киришаверганингиз яхши натижаларни кафолатлайди.

**БАЛИҚ (21.02 – 20.03)**



Ишбилармонлик зарур фурсат етганда сизга жуда асқотиб турадиган фазилатларингиздан бири. Шу кунларда айнан ишбилармонлик билан иш кўришингизга тўғри келади, ҳатто шунга мажбурсиз.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (8-361) 352-54-58; Андижон – (8-374) 970-99-13; Бухоро – (8-365) 593-27-57; Жиззах – (8-372) 366-61-16; Наманган – (8-369) 562-19-59; Фарғона – (+998-91) 137-06-83; Самарқанд – (+998-97) 756-68-27; Сирдарё – (8-367) 588-06-89; Тошкент – (+998-97) 800-29-61; Хоразм – (8-362) 520-69-14; Қашқадарё – (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар: 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

ISSN 2010-7021
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи муҳаррир: Ш.ЙЎЛДОШЕВ
Мусаҳҳиҳ: А.ЭЛМУРОДОВ
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-814, ҳажми 3 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.40
15983 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2345